




Тазкия дарслари (127-дарс). Қалб хасталиги яширин бўлади



ТАЗКИЯ
дарслари **127-дарс**

Тазкия дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг "Тасаввуф ҳақида тасаввур" ва "Руҳий тарбия-1-2-3" китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



16:38 / 13.03.2021 3494

Инсоннинг ҳар бир аъзоси ўзига хос вазифани амалга ошириши учун яратилган. Ўша аъзо соғ бўлса, мазкур ишни яхшилаб адо этади. Агар аъзо хасталикка учраса, ўзига хос ишни бажаришга қийналади ёки бутунлай бажара олмай қолади. Қўл хасталанса, ушлаш қийинлашади, кўз хасталанса, кўриш қийинлашади ёки кўриб бўлмай қолади.

Шунингдек, қалб хасталанса, унинг ҳам ўзига хос ишига – илм, ҳикмат, маърифат, Аллоҳ таолонинг муҳаббати, ибодати ва ундан ҳосил бўладиган лаззатланишга ҳалал етади ёки бутунлай маҳрум бўлади.

Юқорида зикр қилинган илм, ҳикмат, маърифат, Аллоҳ таолонинг муҳаббати, ибодати ва ундан ҳосил бўладиган лаззатланишлар одамни ҳайвондан ажратиб турадиган омиллардир. Демак, инсон ҳайвондан қалби ила ажрайди. Қалбнинг иши эса илм, ҳикмат ва маърифатдир.

Дунёдаги барча нарсаларни Аллоҳ таоло яратган. Инсон дунёдаги барча нарсалар ҳақида маърифатга эга бўлса-ю, Аллоҳ таолони танимаса, ҳеч нарсани билмагандек гап. Аллоҳ таолони таниса, ҳамма нарсани таниган бўлади.

Маърифатнинг аломати муҳаббатдир. Аллоҳ таоло ҳақида маърифати бор одам У Зотга муҳаббат қўяди. Аллоҳ таолога муҳаббати бор қалб соғлом, У

Зотга муҳаббати йўқ қалб хастадир.

Қалб хасталиги яширин бўлиб, уни беморнинг ўзи ҳам сезмайди. Сезганда ҳам, даволаш қийинчиликларига сабр қила олмайди. Чунки уни даволаш учун ҳавойи нафсга хилоф иш тутиш лозим. Сабр қилса ҳам, ҳозик табиб топиш керак бўлади. Қалб беморликларининг табиблари уламолардир.

Қалб беморлигининг даволаниб, соғайиши қандай бўлади? Бунда қайси хасталикдан даволанишига қаралади. Мисол учун, бир қалбни бахиллик хасталигидан даволаш керак. Уни мол-мулкни сарфлашни ўргатиш ила даволанади. Аммо эҳтиёт бўлинмаса, сарфлаш ҳаддидан ошиб, исроф даражасига ўтиб кетиши мумкин. Исроф ҳам дард. Демак, меъёрни билмаса, бир дарддан бошқа дардга ўтиб кетиши мумкин.

Мақсадга эришиш учун энг тўғри йўл мўътадил бўлишдир. Ана ўшанда қалб бахиллик ва исрофчилик дардларидан фориғ бўлиб, соғайган бўлади.

Икки салбий тараф ўртасидаги мўътадиллик жуда ҳам нозик нарса. Уни аниқлаб олиш анча қийин. У соч толасидан ингичка ва қилич тиғидан ўтқирдир. Ана ўша сиротул мустақиймда юрган одам бу дунёда ғам чекмаса ҳам бўлади. У охиратда албатта неъмат берилганлар билан бирга бўлади, иншааллоҳ. Мазкур истиқомат қийин бўлганидан бандага ҳар куни кўп марта «ихдинас-сиротал мустақийм»ни такрорлаш амр қилинган.

Фақатгина яхши ахлоқлардан яхши амаллар содир бўлади. Ҳар бир шахс ўзининг сифатлари ва ахлоқларига диққат билан назар солсин.

Нуқсонларини бирин-кетин тузатишга ўтсин ва бу ишнинг аччиғига азм ила сабр қилсин. Бора-бора бу иши ўзига ёқиб қолади. Бу худди кўкракдан ажратилган бола олдин ажрашга кўнмай, ажраганидан кейин кўкрак тутилса, афтини буриштириб қочганига ўхшайди.

«Руҳий тарбия» китобидан